

Нуралиев Мурод Маруфович

“Меҳнат ҳукуқи” йўналиши

1-курс магистранти

**Интизомий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг
тури сифатида**

Мазкур мақолада меҳнат тўғрисидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, юридик жавобгарлик, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда жавобгарлик, ҳамда жиноий, фуқаролик ва маъмурий - жавобгарликнинг интизомий жавобгарликдан бир-бирига нисбатан ўзига хос хусусиятлари, қонун билан асослантирилган ҳуқуқий нормалар борасида қонунчиликка таклиф қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, инсоният тарихида меҳнат ва у билан боғлиқ муносабатлар шуниндек, унга бўлган эҳтиёж ҳамда талаблар асрлар давомида ғоят муҳим аҳамият касб этган бўлиб, ҳозирги кунда инсонларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи асосий қонун даражасида ҳимоя қилинмоқда. Айниқса, бу жараёнда малакали кадрларни етиштириш ва уларга янги иш ўринларини яратиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқук-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, иисон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. [1]

Бугунги глобаллашув шароитида меҳнат ва у билан боғлиқ муносабатларга бўлган қараш, нуқтаи назар, диққат ва эътибор фақатгина

ортиб, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида, тўғри ҳамда адолатли йўсинда қабул қилишни тақозо этмоқда. Қисқача қилиб айтганда, бугунги кунда талаблари эскирган ҳамда амалдан қолган ҳуқуқий хусусиятдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, янгилаш ҳамда соддалаштириб бориш заруратини замоннинг ўзи тақозо этади.

Зеро, ўзининг хусусияти ва таснифидан қатъи назар, қабул қилинган қонун ҳужжатлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари фойдасига хизмат қилиши керак.

Шу ўринда меҳнат қонунчилигидаги интизомий жавобгарлик масаласини таҳлил қилишдан олдин юридик жавобгарлик ва унинг ўзига хос хусусиятларига тўхталишимиз мақсадга мувофиқ. Миллий ҳуқуқшунос олимларимиз Х.Б.Бобоев ва Т.Х.Одилқориевларнинг фикрича, “...ҳуқуқшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласи юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни баъзан давлатнинг ҳуқуқ талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи бир олимлар унга амалдаги юридик категориялар доирасида ёндашиб, юридик жавобгарликни қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар, махсус юридик мажбуриятлар ёки ҳуқуқ нормалари санкциялари кўринишида талқин этишга интиладилар.

Юридик жавобгарликнинг ўзи эса, ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзга тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш бўлиб, бунда айбдор шахс муайян яъни шахсий, мулкӣ ва ташкилий ҳуқуқларидан маҳрум этилади”.[2]

Бундан ташқари юридик жавобгарлик деганда “...ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир. Бу чоралар шахсий (озодликдан маҳрум этиш); мулкӣ (жарима); ташкилий (муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, ишдан бўшатиш) ҳарактерига эга бўлиши мумкун. [3]

Ўзига хос хусусиятига кўра юридик жавобгарликнинг жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва интизомий-ҳуқуқий каби турлари мавжуд. Маълумки, мазкур жавобгарликнинг турларини бир биридан фарқлаш учун турли ҳуқуқ соҳаларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда, меҳнат қонунчилиги доирасидаги интизомий жавобгарликнинг жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа жавобгарликлардан фарқли жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини англаб олиш, аниқ ва равшан ажратиш, ҳаёт ва амалиётда тўғри талқин ва татбиқ этиш бугунги куннинг асосий талабидир. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатлардан меҳнат жараёнида муайян тартиб ва қоидаларга риоя қилиниши талаб этилиши билан фарқланади.

Жумладан, фуқаролик - ҳуқуқий муносабатга эътибор берадиган бўлсак, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ички меҳнат тартиб қоидалари мавжуд бўлмайди, тарафлар тузган фуқаролик шартномасида кўрсатилган шартларга асосан ўз меҳнатларини ўзлари хоҳлаганча ташкил қиладилар. Маъмурий - ҳуқуқий муносабатларда ҳам интизомий жавобгарлик мавжуд бўлмасдан, аксинча маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ тартиб қоидалар мужассам бўлиб, уларга бошқарувнинг ўрнатилган тартиб-қоидаларини бажармаслик, мисол тариқасида йул ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда, аксарият ҳолатлардан ташқари, маъмурий жарималар қўлланади. Жиноий - ҳуқуқий муносабатларда эса, фуқаролик- ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарликдан фарқли ўлароқ, жиноят содир этган шахсларга нисбатан фақатгина жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазолар яъни, жиноий жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш кабилар қўлланади.

Меҳнат муносабатларининг асосий ўзига ҳос хусусиятлари ҳам

шунда бўлиб, корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаб чиқаришнинг юқори кўрсаткичлари ёки хизмат кўрсатиш сифатининг юқори бўлишининг асосий омилларидан бири бу меҳнат шартномаси ва ундаги шартлардир. Шунингдек, меҳнат шартномасига тўла-тўқис, бир-ҳилда амал қилган ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш билан бир қаторда, меҳнат шартномасига риоя қилмаган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиб, уларга нисбатан Меҳнат кодексидаги интизомий жазо чораларини қўлланилиши мумкин.

Интизомий жавобгарликка тортиш учун, кўп ҳолатларда, ходим томонидан меҳнат интизомига риоя қилмаслик асос қилиб олинади. Меҳнат интизомига меҳнат ҳукуки мутахассисларидан Г.К.Саримсакова куйидагича таъриф берган, “меҳнат интизоми - бу меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномаси, келишуви, меҳнат шартномаси, ташкилотнинг ички норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган ҳулк-атвор қоидаларига ишчиларнинг мажбурий риоя этишидир.” [4]

Интизомий жавобгарлик юқорида санаб ўтилган барча жавобгарликлар қай йўсин ва контекста келмасин, бундай жавобгарликлар юридик (ҳуқуқий) жавобгарликнинг шакли сифатида намоён бўлиб, уларнинг барчаси том маънода ўзининг қонун билан асослантириб қуйилган ҳуқуқий асосларига эга бўлади.

Бинобарин, меҳнат тўғрисидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари жаҳон ҳамжамияти даражасида халқаро ҳужжатларда ҳам, шу билан бирга миллий қонунчиликда ҳам акс эттирилиб, ушбу нормаларга ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган ва мустаҳкамланган.

“Интизомий жавобгарлик ўз меҳнат бурчларини қонунга мувофиқ равишда ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситасидир. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини

ўз айби билан қонунга мувофиқ равишда бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги интизомга ҳилоф ножўя ҳаракат ҳисобланади. Ходим зиммасига меҳнат шартномаси ёки корхона, муассаса, ташкилотдаги ички меҳнат қоидаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар билан юкланган меҳнат вазифаларини бузишда ва унинг ўз айбига кўра, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учунгина жавобгар бўлади. Бунда, ходим интизомга ҳилоф ножўя ҳаракати учун, одатда, иш берувчи томонидан интизомий жавобгарликка тортилади ёки унга нисбатан бошқа таъсир чоралари қўлланилади”.[5].

Ходим ўз меҳнат вазифасини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айбдор бўлганда унга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида таъсир кўрсатиш воситаси сифатида интизомий жавобгарлик қўлланилади. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик асос қилиб олинади. Бунда ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини меҳнат шартномаси ёки корхонадаги ички меҳнат тартибини белгиловчи норматив актлар билан юкланган меҳнат вазифаларини бузишда ифодаланади. Интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат учун ходим, одатда, иш берувчи томонидан интизомий жавобгарликка тортилади. Корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказилган бўлса, меҳнат ҳуқуқий нормалари бўйича моддий жавобгарликга ҳам тортилади. Бундан ташқари зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракати учун ходим интизомий жазога тортилиши ёки тортилмаслигидан қатъий назар зарар ходимдан ундирилади.

“Қонунчиликда интизомий жавобгарликнинг икки тури мавжуд: умумий интизомий жавобгарлик ва махсус интизомий жавобгарлик. Умумий интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланган. Махсус интизомий жавобгарлик интизом тўғрисидаги уставлар ва низомлар, алоҳида қоидалар, қонунлар билан белгиланган. Махсус интизомий жавобгарлик ўзи тадбиқ этиладиган шахсларнинг доираси ҳамда ихтиёрига интизомга чақируви ваколат берилган шахслар ва органларнинг умумий

доираси, қўшимча жазо чорасининг мавжудлиги, шунингдек берилган жазо устидан шикоят қилиш тартиби жиҳатидан умумий интизомий жавобгарликдан фарқ қилади. Интизомий жавобгарликнинг ҳамма турларига қуйидаги белгилар хосдир: фақат қонунларда ва интизом уставларида, низомларда кўрсатилган жазоларни бериш мумкин; меҳнат интизومي бузилган ҳар бир ҳол учун фақат битта интизомий жазо чораси қўланилади; жазо беришда содир этилган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, у содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ атори эътиборга олиниши керак; интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат содир қилинганлиги маълум бўлгандан кейин қўлланилади.” [6].

Интизомий жавобгарлик бўйича меҳнат интизومي бузганлик учун жазо чоралари ва уларни қўллашни олиб ташлаш, интизомий жавобгарликнинг амал қилиш ҳамда интизомий жавобгарлик устидан шикоят этиш тартиби Меҳнат кодексининг 181-184-моддаларида белгиланган бўлиб, ушбу кодексининг 181-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат интизомини бузганлиги учун ходимга хайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ўртача ойлик иш ҳақининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин, бундан ташқари, меҳнат шартномасини бекор қилиш. Ходимга юқоридаги интизомий жазоладан бошқа интизомий жазо чораларининг қўлланиши қатъий белгиланган.

Ходимга нисбатан интизомий жазо қўллашдан олдин интизомий жазо қўлланадиган ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилинади. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун интизомий жазо қўллашга тўсиқ бўлмайди. Ходимга нисбатан ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил ҳисобланади. Агарда ходим ушбу муддат ичида қайта интизомий жазога тортилмаса, бу ҳолатда

ходим интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар қуйидаги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасидасига кўра “...меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этганлик учун ходимларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш” каби мазкур нормалар белгиланган. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганлиги учун ходимларнинг жавобгарлиги ва бу қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги учун жавобгарлигик белгиланиши кераклиги ҳусусидаги норма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорининг 2-илоvasи “Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”нинг, 7 ва 14 бандларида, ҳамда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сон қарорининг 1-илоvasи “Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури”да белгилаб қўйилганлиги алоҳида диққат ва эътиборга сазовордир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган 1-илоvasига мувофиқ “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” тасдиқланган. Унинг IV қисмига кўра, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш масалалари кўрсатилган бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини

ошириш учун аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат курсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш кераклиги таъкидланган.

Юқоридагиларга асосланиб, хулоса ва таклиф ўрнида шуни айтиш мумкинки, биринчидан, қабул қилинган қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, меҳнат соҳасидаги интизомий жавобгарликни аста-секинлик билан либераллаштириб бориш, яъни ўз навбагида жамиятнинг айрим қатламини қамраб оладиган (аёллар, ногиронлар, ёшлар, чет эл фуқаролари ва жазони ижро этиш жойларидан қайтганлар) шахслар томонидан биринчи маротаба меҳнат интизоми бузилган тақдирда уларга нисбатан интизомий жазони кулламасдан огохлантириш билан чекланиш, ҳамда юқоридаги алоҳида тоифадаги шахслар томонидан меҳнат интизоми биринчи маротаба бузилганда уларга нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазосини кулламаслик уларга нисбатан қулайликлар ёки қонуний енгилликлар яратиш жамиятимизда ижтимоий адолат принципларини қўлланилишидаги ютуқларнинг бири бўлади десак хато булмайди. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича ҳаракатлар стратегияси тугрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. *ПФ// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Бобоев Б.Х. ва Одилкориев Т.Х. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Т.: Тошкент, 2005. 217-6.
3. Сабуrow Н.С. ва Сайдуллаев Ш.А. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Т.: Тошкент, 2011. 138-6.
4. Сарымсакова Г. Трудовое право. Учебно-методическое пособие. - Т.: Издательство ТГЮИ, 2010. - С. 140.
5. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси биринчи жилд Т.: Тошкент, 2000. 429-б.
6. Иноятов А. А. “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи”. Т.: Тошкент 2002. 263-б.